



АГРОБИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Иномжоновна Феруза

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти

ORCID: 0009-0009-1504-0367

feruzainomjonova77@gmail.com

Аннотация. Мақолада агробизнес субъектларини кредитлаш бўйича хорижий тажриба билан боғлиқ масалалар қўриб чиқилган. Хорижий мамлакатларда агробизнес субъектларини кредитлаш тизимининг муҳим жиҳатлари ўрганилган. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар агробизнес субъектларини кредитлаш амалиёти таҳлил қилинган. Таҳлиллار натижасида агробизнес субъектларини кредитлаш бўйича хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: агробизнес субъектлари, молиялаштириш, банк кредити, фойз ставкаси, имтиёзли кредит, субсидия, кредит кафолати.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ КРЕДИТОВАНИЯ СУБЪЕКТОВ АГРОБИЗНЕСА

Иномжоновна Феруза

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы, связанные с зарубежным опытом кредитования субъектов агробизнеса. Изучены важные аспекты системы кредитования субъектов агробизнеса в зарубежных странах. Проанализирована практика кредитования субъектов агробизнеса в развитых и развивающихся странах. В результате анализа сформулированы выводы по вопросам кредитования субъектов агробизнеса.

Ключевые слова: субъекты агробизнеса, финансирование, банковский кредит, процентная ставка, льготный кредит, субсидия, гарантия по кредиту.

FOREIGN EXPERIENCE IN LENDING TO AGRIBUSINESS ENTITIES

Inomjonova Feruza

Andijan Institute of Agriculture and Agricultural Technologies

Abstract. The article examines issues related to foreign experience in lending to agribusiness entities. Important aspects of the lending system for agribusiness entities in foreign countries have been studied. The practice of lending to agribusiness entities in developed and developing countries is analyzed. As a result of the analysis, conclusions were formulated on issues of lending to agribusiness entities.

Keywords: agribusiness entities, financing, bank loan, interest rate, preferential loan, subsidy, loan guarantee.

Кириш.

Агробизнес субъектларини кредитлаш бу кредит муносабатларининг ўзига хос шакли бўлиб, тижорат банклари ва нобанк муассасалар томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни давлат томонидан тартибга солиш билан биргаликда кенгайтирилган ишлаб чиқаришни айланма ва капитал маблағлар билан таъминлаш сифатида тавсифланади. Умуман олганда, аграрбизнес субъектларини кредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари ишлаб чиқаришни табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги, кам даромадлилик, ишлаб чиқариш омиллари ва маҳсулотлар реализаци нархлари ўртасидаги номувофиқлик, маҳсулотлар нарҳининг нобарқарорлиги, бозор инфратузилмасини ривожланмаганлиги, инновацион фаолликни пастлиги ва давлат бюджетидан субсидияланиши. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги аграрбизнес субъектларини қарз маблағларига бўлган эҳтиёжини белгилашда муҳим омиллардан ҳисобланади. Ишлаб чиқариш циклининг узоқ давом этиши, ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлар тушуми ўртасидаги узилишлар сабабли, аграбизнес субъектларига доимий молиялаштириш манбалари етишмайди (Дьяченко ва Титова, 2011.). Шундай қилиб аграбизнес субъектларини кредитлашнинг ўзига хос жиҳатлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятлари билан белгиланади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи аграбизнес субъектларини кредитлашда бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш ёки тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар фоизни бир қисмини компенсациялаш тизими мавжуд. Ривожланган мамлакатларда агробизнес субъектларини кредитлаш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, кредит қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим элементи бўлиб, ундан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги капиталини яратиш, барқарор ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агробизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш масалалари турли йўллар билан ҳал этилиши мумкин. Бундай молиялаштиришнинг усулларида бири кредитлаш бўлиб, у жорий харажатлар ва инвестиция дастурларини молиялаштириш учун тез пул оқимини таъминлайди ва қишлоқ хўжалиги соҳасида бизнесни ривожлантиришга ёрдам беради (Беляков, 2011). Жуковнинг (2013) таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқрувчиларни кредитлашнинг объектив зарурати бир қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, улардан энг муҳими қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти, саноат билан савдода эквивалентликнинг йўқлиги, тармоқ ривожланишидаги салбий тенденцияларни бартараф этиш заруриятидир. Бундай шароитда кредит маблағларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг молиявий оқимига ўз вақтида кириб бориши белгиланган мақсадларга эришишни сезиларли даражада тезлаштиради, ресурс базасини кўпайтиради, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бўйича хорижий тажрибани ўрганар эканмиз, шуни таъкидлаш мумкинки, ҳатто Европа Иттифоқи каби бир иқтисодий гуруҳ доирасида ҳам банкларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги роли ва сиёсати мамлакатларда сезиларли даражада фарқ қилади. Маслан, Германияда қишлоқ хўжалигидаги етакчи кредиторлари қаторига Германия халқ банклари иттифоқи ва Раффайзен банклари тизими, Германия жамғарма кассалари ва махсус кредит ташкилотлари тизими, Франкфуртдаги қишлоқ хўжалиги рента банки, Бонндаги Германия ҳисоб-китоб ва ипотека банки, Франкфуртдаги кредитни тиклаш институти ҳамда хусусий ипотека банклари (Логонова, 2013). Агробизнес субъектлари

фаолиятини кредитлашда қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар кредитлаш амалиётидан фойдаланиши мумкин. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш тартиби турли мамлакатларда ҳар-хил тизим ва институтларнинг хилма-хиллигини кўриш мумкин. Хусусан, Буюк Британия, Хитой, Нидерландия ва Австрияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни кредитлашда давлат кафолатлари ва фоизли субсидиялар орқали тижорат банкларида кредитлар жалб қилади (Одиназода, Исмоилова, 2024). АҚШ, Хитой, Финляндия каби кўплаб хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг стратегик устувор тармоғи ҳисобланади ва шунинг учун давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини у ёки бу шаклда субсидиялайди. Бунда агробизнес субъектларининг қўллаб-қувватлашнинг самарали шаклларида бири бу соҳанинг ҳақиқий молиявий эҳтиёжлари ва имкониятларига мослаштирилган имтиёзли кредитлаш тизимидир (Богатова, 2016).

Бугунги шароитда агробизнес субъектларининг кредитлардан, биринчи навбатда, банк кредитларидан фойдаланиш имконияти чекланган, бу қисман маҳаллий банklar ва нобанк ташкилотларининг кредитлар ва ҳисобланган фоизларни минимал рисклар билан ўз вақтида қайтарилишини таъминловчи қарз оловчи тадбиркорлик субъектлари билан ишлашга қаратганлиги билан боғлиқдир. Банк тизимининг тижорат кредитлари ва ипотека кредитларини кучайтириш, биринчи навбатда, спекулятив операциялар, жумладан, валюта операциялари ва истеъмол олинadиган фойдага эътибор қаратишнинг салбий тенденцияси кузатилмоқда (Одиназода, Исмоилова, 2024). Ривожланган мамлакатларда аграр соҳани кредитлаш тизимининг ривожланган инфратузилмаси аграр соҳадаги кўп сонли тадбиркорларни молиявий кўмак билан қамраб олиш, молиявий ресурслардан фойдаланиш имконини бериши, агробизнесни ривожлантиришнинг барча дастурларини самарали амалга ошириш учун ягона оператори мавжудлиги ҳамда кредитлаш ихтисослаштирилган банк орқали амалга оширилиши давлатнинг молиялаштириш дастурлари бўйича ажратилган барча бюджет маблағларини битта молия институтида жамлаш имконини беради. Шунингдек, агробизнес субъектларини молиялаштириш дастурлари ҳудудлар бўйича табақалаштирилган бўлиб, бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва даромад олишни таъминловчи мақсадли ривожлантиришни таъминлайди. Ниҳоят, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосли прогноз кўрсаткичлари маҳсулотларининг максимал сотиш нархларини аниқлаш ва йиғим-терим муддатидан аввал молиялаштиришга олиб келади (Иномжонова, 2024). Шундай қилиб, агробизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири тижорат банклари ва нобанк институтлари томонидан берилган кредитлардир. Қишлоқ хўжалиги кредитларининг жорий харажатларни молиялаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестициялар учун мўлжалланган, масалан, ускуналар сотиб олиш, янги объектларни қуриш, модернизация қилиш ва бошқаларда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот усуллари ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агробизнес субъектларини кредитлаш тизимига оид илмий адабиётлар шарҳи, статистик маълумотлар таҳлили, қиёсий таҳлил, эксперт баҳоларига асосланган. Тадқиқот доирасида агробизнес субъектларини кредитлаш масалаларига оид илмий тадқиқотлар натижалари ҳамда статистик маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришини

диверсификация қилишни ривожлантириш, қишлоқларда аҳоли даромадлари ва бандлигини таъминлашда микро, кичик ва ўрта агробизнес субъектлари ва уларнинг бирлашмалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги соҳасида микро, кичик ва ўрта агробизнес субъектларини ривожлантириш мураккаб вазифа бўлиб, унинг ечими ижтимоий, иқтисодий, институционал ва бошқа омиллар ва шарт-шароитларнинг хилма-хил комбинацияси билан белгиланади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнесларга нисбатан давлат сиёсатида алоҳида ёндашув қишлоқ хўжалигининг хусусиятлари (мавсумийлик, бозор конъюнктурасининг табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги) ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ривожланган давлатлар билан тажриба алмашиш асосида микро, кичик ва ўрта агробизнес учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш чоратадбирлари комплексини амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги микро, кичик ва ўрта агробизнес субъектларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатини ўсишига ва уларнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ўсишига хизмат қилади. Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, давлатнинг агро соҳадаги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кичик агробизнесни кейинги ривожланишнинг оралиқ босқичи сифатида эмас, балки узоқ муддатли истиқболда қишлоқ хўжалиги бозорининг барқарор иштирокчиси сифатида кўриш муҳим аҳамиятга эга. Агарда Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатларда агробизнес субъектларининг молиявий қўллаб-қувватлашда имтиёзли кредитлаш инструменти ролини кўриш мумкин (1-расм).

Арманистон имтиёзли кредитлаш қисман инвестиция харажатларини қоплаш имтиёзли лизинг кооперативлар учун имтиёзли субсидия шартлари	Белорусия имтиёзли кредитлаш фаолиятни бошлаш босқичида қўллаб-қувватлаш грантлар соддалаштирилган солиқ режими песчнс харажатларини камайтириш
Қозоғистон имтиёзли кредитлаш солиқ имтиёзлари	Қирғизистон имтиёзли кредитлаш солиқ имтиёзлари
Россия имтиёзли кредитлаш грантлар (агростартап, агропрогресс, агротуризм) консультация ёрдами кооперативларни қўллаб-қувватлаш кооперация иштирокини қўллаб-қувватлаш (агротуризм) номолиявий бўлмаган қўллаб-қувватлаш чоралари	

1-расм. Евроосиё иқтисодий иттифоқида қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта агробизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш воситалари (ЕЭК, 2024)

Хусусан, Арменияда кичик ва ўрта агробизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида, инвестиция харажатларининг бир қисmini қоплаш учун имтиёзли кредитлар бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперативларини имтиёзли субсидиялаш шартларини тақдим этиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, Россия, Белоруссия ва бошқа аъзо давлатларда ҳам агробизнес субъектларининг қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлаш амалга оширилмоқда.

1-жадвал

Иссиқхона қурилиши моделлари бўйича харажатларни қоплаш тартиби
(ЕЭК, 2024)

Иссиқхона моделлари	қоплаш миқдори
Бир ёки икки қаватли полиетилен мембрана ва бойитилган тупроқ билан қурилган, майдони 300-600 м ² бўлган туннел иссиқхонасининг тахминий қурилиш ва таъмирлаш қиймати 22,8 АҚШ доллари / м ² .	Xarajatlarni qoplash: 7,7 долл /м ² , имтиёзли категория учун 11,5 долл./м ² .
Полиетилен плёнкали иссиқхона, 800-3000 м ² . Қурилиш ва технологик харажатлари 47,2 АҚШ доллари / м ² бўлган бойитилган тупроқли бир ёки кўп оралиқли иншоотлар.	Xarajatlarni qoplash: 15,4 долл /м ² , имтиёзли категория учун 23 долл./м ² .
Майдони 800-3000 кв.м бўлган бир ёки кўп оралиқли иссиқхона қурилиш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари 57,6/м ² га баҳоланган полиетилен мембрана ва гидропоник этиштириш ёрдамида.	Xarajatlarni qoplash: 19,3 долл /м ² , имтиёзли категория учун 28,8 долл./м ² .

Бундан ташқари, агробизнес субъектларига фаолиятини бошлаётган даврда қўллаб-қувватлаш, грантлар ажратилиши, ишлаб чиқариш харажатларни бир қисмини компенсацилаш ва имтиёзли солиқ режими каби инструментлар қўлланилади. Жумладан, Арменияда давлат томонидан қўллаб-қувваташ дастури доирасида кичик ва ўрта агробизнес субъектларига теплица қурилиши ва жиҳозлаш харажатларга сарфланган кредитларнинг бир қисмини қоплаш назарда тутилган (1-жадвал).

Шу билан бирга, 2021-2023 йилларда интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва ноанъанавий экинлар етиштиришни рағбатлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурида замонавий суғориш тизимларини боғдорчилик ускуналарисиз жорий этиш ёки сув омборларини қуриш (кенгайтириш) учун 2 фоиз, қишлоқ хўжалиги кооперативлари учун 0 фоиз миқдорида фоиз ставкалари субсидия қилинган ҳолда йиллик 5 фоиз миқдорида кредитлар ажратилган. Беларусияда фермер хўжаликларини замонавий техника ва ускуналар билан таъминлаш ишлаб чиқарувчилар (ёки уларнинг вакиллари) билан тузилган шартномалар бўйича тўғридан-тўғри сотиш йўли билан амалга оширилади. Фоиз ставкаси машина ва ускуналар сотиб олинаётган ташкилотнинг иқтисодий фаолияти турига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалик техникалари лизинг шаротонамаси асосида имтиёзли фоизларда йиллик 2 фоиз миқдорида агробизнес субъектларига берилади. “Белагропромбанк” ОАЖ фойдасининг бир қисмини тақсимлаш ҳисобидан қишлоқ ижтимоий лойиҳалари махсус жамғармаси ташкил этилган бўлиб, бу жамғармадан жисмоний шахсларга деҳқон хўжалигини ташкил қилиш ва юритиш учун йиллик 5 фоиз миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилади. Қозоғистонда тижорат банклари томонидан агробизнес субъектларига ажратилган кредитлар фоизларини субсидиялаш инструментида қўлланилиб, бунда якуний қарз олувчилар учун фоиз ставкаси йиллик 8 фоизни ташкил этади, бир тадбиркорлик субъектига учун 3 млрд. тенгегача бўлган кредит суммаси 5 йилгача муддатга берилади. Агар кредит бўйича гаров етарли бўлмаса, қисман кафолат амалга оширилади, кафолатнинг максимал миқдори:

- 360 млн. тенгегача бўлган кредит суммасининг 85 фоизи;
- 3,5 млрд. тенгегача бўлган кредит суммасининг 50 фоизи.

Умуман олганда, Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатларда агробизнес субъектларини кредитлаш тижорат банклари орқали амалга оширилиб, бунда имтиёзли фоизларда кредитлар ажратилиши ёки кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш воситасида амалга оширилади. АҚШ ва Канада мамлатларида агробизнес субъектларини кредитлашда nobank кредит институтларининг фаолиятини ривожланганлиги билан характерланади. Жумладан, АҚШда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини маблағ билан таъминлаш мақсадида “Фермер

кредит тизими” давлат ташкилоти ташкил этилган бўлиб, давлат дастлабки капитални ажратган ва бироқ вақт ўтиши билан тизим фаолияти унинг аъзолари томонидан молиялаштирилиб борилган. Америка фермер хўжалиги кредит тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- федерал гаров корпорацияси;
- федерал фермер хўжалиги кредит компанияси;
- ахборот компанияси;
- лизинг операцияларини кредитлаш компанияси;
- фермер хўжалиги кредит тизимига қўмаклашиш бюроси;
- қишлоқ хўжалигини кредитлаш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш функцияларини бажарадиган молиявий қўллаб-қувватлаш компанияси.

АҚШда қишлоқ хўжалигининг давлат заҳиралари ортиқча бўлган, ички ва экспорт нархлари фермерлар учун қониқарсиз бўлган вазиятни бартараф этишга қаратилган деҳқончилик маҳсулотлари етиштирувчилар учун товар кредити кенг тарқалган. АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти қуйидагиларни амалга оширади: дон сақлаш омборларини қуриш учун кредитлар берувчи товар кредит корпорацияси; фермер хўжалиги биноларини сотиб олиш ёки қуриш учун кредитлар берадиган фермер хўжалиги уй-жой бошқармаси; қишлоқ электрлаштириш бошқармаси электрлаштириш учун кредитлар ажратади. Агробизнес субъектларига етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш объектларини (масалан, дон омборлари, пичан сақлаш жойлари, совуқ омборхоналар, қуритиш, қайта ишлаш ва сақлаш ускуналари) қурилиши ва модернизациялаш учун паст фоизларда кредитлар ажратилади. Жумладан, 2023 йилда қуйидагича миқдордаги фоизларда кредитлар берилган:

- ✓ 3 йиллик кредит муддати учун 4,125%;
- ✓ 5 йиллик кредит муддати учун 3,750%;
- ✓ 7 йиллик кредит муддати учун 3,750%;
- ✓ 10 йиллик кредит муддати учун 3,625%;
- ✓ 12 йиллик кредит муддати учун 3,625%.

Дастур доирасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, жумладан, кооперативлар кредит кафолатларидан фойдаланиш имкониятига эга. Давлат кредиторлар учун кафиллик вазифасини бажаради. Кафолатланган кредит маблағлари қуйидаги рухсат этилган фойдаланишга эга:

- бизнесни ўзгартириш, кенгайтириш, янгилаш, модернизация қилиш ёки ривожлантириш;
- ер, бинолар ва тегишли инфратузилмани сотиб олиш;
- машина ва ускуналар, сарф материаллари ёки инвентарларни сотиб олиш ва ўрнатиш;
- қарзни қайта молиялаштириш, бунда қайта молиялаштириш пул оқимини яхшилайти ва иш ўринларини яратади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун узоқ муддатли истиқболда барқарор иқтисодий фаолият учун шарт-шароитларни таъминлаш ва соҳада рақобатбардошликни ошириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун инновацион технологиялар жорий қилида кредитлар асосий молиялаштириш манбаси ҳисобланади. Жумладан Канадада агробизнес субъектларини кредитлаш Фермер кредит корпорацияси орқали амалга оширилиб, бу молия ташкилоти томонидан ер, асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва чорва моллари каби муҳим активларни сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлар берилади. Кредитлар 10 йилдан 30 йилгача муддатга ажратилиб, кредит миқдори қарз олувчи фермерларнинг молиявий аҳволига қараб белгиланади. Кредит олиш учун фермерлар гаров сифатида ер, техника ва чорва молларини тақдим этишлари зарур. Кредитлар имтиёзли фоиз ставкалари билан берилади, яъни фермер олган кредит фоиз

харажатларининг бир қисмини давлат бюджетидан қопланади. Бу агро бизнес субъектларининг кредитлар олиш имкониятини оширади ва қарз олувчилар учун тўлов билан болиқ рискларни камайтиришга олиб келади.

Хулоса ва таклифлар.

Агробизнес субъектларини фаолиятини кредитлашнинг хориж тажрибасини ўрганишлар натижасидан кўриниб турибдики, турли мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий ресурслар билан таъминлашда турлича ёндашувлардан фойдаланишини кўриш мумкин. Айрим мамлакатларда қишлоқ хўжалигини кредитлаш асосий қисми бир ёки иккита ихтисослашган давлат тижорат банклари орқали амалга оширилади. Бу эса кредит маблағларнинг тақсимланиши устидан қаттиқ назорат амалга оширишни ва ресурсларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга самарали сарфланишини таъминлайди. Бошқа бир қатор мамлакатларда эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни кредитлаш нобанк молия институтлари томонидан бевосита имтиёзли фойизларда кредитлар ажратилиши билан характерланади.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон иқтисодиёти ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни барқарор ишлаб чиқаришни ва уларнинг рентабеллигини етарли даражада ушлаб туришни таъминлашдаги қўллаб-қувватлашнинг самарали шаклларида бири бу тармоқнинг ҳақиқий молиявий эҳтиёжлари ва имкониятлари доирасидаги имтиёзли кредитлаш тизимидир.

Қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни қўллаб-қувватлашда узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш орқали рағбатлантириш тизимини яратиш зарурдир. Шу билан бирга, кредит маблағларининг қайтмаслик рискин суғурта қилиш бўйича ёки ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш бўйича суғурта полиси қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ажратиладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилиниши мумкин.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Беляков А. (2011) Как кредитуются фермерское хозяйство в России и в США. <http://abeliakov.livejournal.com/10679.html>.

Богатова Т.М. (2016) Кредитование сельского хозяйства в зарубежных странах. <https://cyberleninka.ru/article/n/kreditovanie-selskogo-hozyaystva-v-zarubezhnyh-stranah>.

Дьяченко Д.В., Тумова А.В. (2011) Совершенствование системы развития кредитных услуг в АПК (на примере Россельхозбанка). <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-sistemy-razvitiya-kreditnyh-uslug-v-apk-na-primere-rosselkhozbanka>.

Евразийская экономическая комиссия (ЕЭК) (2024) Обзор международного опыта государственной поддержки микро-,малого и среднего предпринимательства в сельском хозяйстве.

Жуков Е. Ф. (2013) Деньги, кредит, банки: учебник. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.:ЮНИТИ. - 783 с.

Иномжонов Ф.А. (2024) Аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлашда хориж тажрибаси. *qtisodiy taraqqiyot va tahlil* 2(2):392-398 б.

Логинова О.А. (2013) Опыт государственного регулирования аграрного производства за рубежом. <http://cyberleninka.ru/m>.

Одиназова М.А., Исмоилова Ш.Ш. (2024) Статистический анализ производства сельскохозяйственной продукции в цифровых условиях. <https://eproff.ru/index.php/eproff/article/view/87>.

Одиназова М.А., Исмоилова Ш.Ш., (2024) Зарубежный опыт кредитования сельского хозяйства в развитых и развивающихся странах. (Часть 1). <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-kreditovaniya-selskogo-hozyaystva-v-razvityh-i-razvivayushih-stranah-chast-1>.